РЕВМАТИК ЮРАК НУҚСОНЛАРИ НЕГИЗИДА РИВОЖЛАНГАН СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИДА БУЙРАКЛАР ДИСФУНКЦИЯСИ ВА УНГА ГЛИФЛОЗИНЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ БАХОЛАШ

Хотамова Райхон Сулаймоновна
Бухоро давлат Тиббиёт институти. Узбекистон

СЮЕ турли этиологияли, кўп омилли синдром ҳисобланиб юрак фаолиятини сусайганлигини кўрсатади ва бунда организмнинг талабларига мос равишда қонни аъзоларга ҳайдаб берилиши бузилади.

Ушбу оғир асорат дунёдаги барча мамлакатларда ўлимнинг етакчи сабабчиси ҳисобланади.

СЮЕ турли фенотипларининг тарқалиши ривожланган мамлакатларда 2,5% атрофида бўлса ҳам ёши улуғ ва метаболик ёндош касалликлари мавжуд беморларда 12% етиши кутилмоқда. Уларда касалликларни янги аниқланаётганлар сони камайишига қарамасдан самарали даволаш усулларини жорий этилиши, замонавий клиник стандартлардан фойдаланилиётганлиги сабабли СЮЕдан умумий хасталаниш ҳамон юқорилигача қолмоқда. Қайд этилган давлатларда унинг барча фенотиплари билан касалланиш мунтазам кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда СЮЕ қон отиш фракцияси сақланган ва пасайган фенотиплари билан жаҳонда 23 млн.дан кўп киши касалланган. Касалликдан 5 йиллик ўлим аксарият рак касалликларидан ҳам юқори. Ундан ташқари 30 кун ва 1 йил оралиғида шифохонага қайта ётиш кўрсатгичларида унинг турли фенотипларида деярли фарқ аниқланмайди.

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Қатор тадқиқотларда юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва артериал гипертензия (АГ) билан бир қаторда ревматик юрак нуқсонлари хам СЮЕ ривожланишида мухим ахамиятга эга эканлиги қайд этилган. Турли манбаларда ушбу гурух беморларда СЮЕ учраши 4% дан 14 % гача эканлиги кўрсатилган. Хусусан, Шотландияда СЮЕ муаммолари билан шуғулланадиган таниқли олим J.McMurray ва хаммуаллифлар томонидан ўтказилган кузатувда 8% беморларда СЮЕ ревматик юрак нуқсонлари негизида ривожланганлиги аниқланган.

J.R. Terlink ва хаммуаллифлар томонидан 31 та кузатув тахлил қилинган ва унда юрак қопқоқчаларидаги ўзгаришлар 4 % холларда СЮЕ га олиб келганлиги кўрсатилган. Hillingdon Study тадқиқотида инвазив бўлмаган ташхисий усуллар ёрдамида аниқланишига кўра юрак нуқсонлари 7 % холларда СЮЕ сабаб бўлган.

Тадқиқот вазифалари:

- Ревматик юрак нуқсонлари негизида ривожланган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйрак гемодинамикаси кўрсаткичларини бахолаш;
- Ревматик юрак нуқсонлари негизида ривожланган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйрак коптокчалари функционал холатини қондаги цистатин-С ва каналчалар зарарланиши даражасини KIM-1 ёрдамида аниқлаш;
- Ревматик юрак нуқсонлари негизида ривожланган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморлар қонида цитокинлар (интерлейкин-6 ва α некроз омили) кўрсаткичларини ўрганиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида биричи босқичда 2020-2022 йилларда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази кардиология бўлими ва вилоят кардиология диспансерида даволанган

ревматик юрак нуқсонлари негизида ривожланган СЮЕ ташхиси қўйилган 200 нафар беморлар касаллик тарихларининг буйраклар дисфунксияси учрашини аниқлаш мақсадида (қонда креатинин ва сийдикда протеинурия кўрсаткичлари асосида) ретроспектив тахлили ўтказилади. Иккинчи босқичда юқорида қайд этилган тиббиёт марказларида шифохона ва амбулатория шароитида даволанаётган ревматик юрак нуқсонлари негизида ривожланган СЮЕ нинг буйраклар дисфункцияси аниқланган II-III функционал синф (ФС) ларидаги жами 96 нафар беморларни комплекс текширилади ва таркибида глюкоза-натрий симпортер 2 тип селектив ингибитори эмпаглифлозин (диампа) бўлган стандарт даво муолажалари олиб борилади. Назорат гуруҳи сифатида 30 нафар ЮИК ва ГК негизида ривожланган СЮЕнинг II-III ФС ларидаги касалликнинг стандарт даво таркибида глюкоза-натрий симпортер 2 тип селектив ингибитори эмпаглифлозин (диампа) бўлмаган беморлар кузатилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий ёндашув ва услубларни қўллаш, назарий маълумотлар ва олинган натижаларнинг асослилиги, олиб борилган текширувларнинг услубий аниқлиги, маълумотларни статистик усуллар ёрдамида қайта ишлаш, шунингдек, етарли миқдордаги беморлар текшируви, тадқиқот натижаларини халқаро маълумотлар билан таққослаш, эришилган натижа ва таҳлилларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.